# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 7 ноябрь, № 218 (5892) Пайшанба


## хабарлар

**Янгиликлар, воқеалар,**

■ *Мамлакатимиз автомобилсозлик саноати ривожига кичик бизнес субъектлари ҳам катта ҳисса қўшмоқда. Тўрақўрғон туманидаги “Erkin TECH” хусусий корхонаси — шулардан бири. Бу ерда “GM Uzbekistan” автомобиллари учун фара ва чироқлар тайёрланаяпти.*

### Кичик бизнеснинг катта ҳиссаси

Корхона ўз фаолиятини 5 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш билан бошлаган эди. Айни пайтда улар сони 16 тага етди. Жанубий Кореядан келтирилган технологик ускуналарни моҳирлик билан бошқараётган 12 нафар ишчи томонидан жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида буюртмачиларга 250 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилди.

— 100 минг АҚШ долларидан зиёд сармоя эвазига амалга оширган лойиҳамиз туфайли бутловчи корхоналар сафидан ўрин олдик, — дейди меҳнат жамоаси рахбари Эркинжон Хўжаев. — Ҳозирги кунда қувватларни тўла ўзлаштириш баробарида, яна бир йўналиш — пластмассадан истеъмол моллари тайёрлаш ҳаракатини ҳам бошлаб юбордик. Мақсадимиз рўёбга чиқиши билан ишчиларимиз сони икки баравар кўпаяди.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Зангиота туманидаги “Дентафил-плюс” хусусий корхонаси мамлакатимиз фармацевтика саноатидаги етакчи ишлаб чиқариш субъектларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган дори-дармон ва тиббий косметика маҳсулотларининг тури 100 тага етди.*

### Янги лойиҳалар шарофати

Бу корхонада Маҳаллийлаштириш дастури асосида ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар самарасидир. Хусусан, шу асосда экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи 17 турдаги дори воситасини тайёрлаш ўзлаштирилди. Уларнинг бир туркуми болалар тиббиётида кенг фойдаланиладиган шамчали ҳамда суспензияли малҳамлар эканлиги эътиборлидир.

Умуман, Маҳаллийлаштириш дастури доирасида келгуси йилгача корхонанинг ишлаб чиқариш имкониятларини ошириш учун турли манбалар ҳисобидан киритилаётган инвестиция ҳажми 18,9 миллион АҚШ долларига етиши кутилмоқда.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Гулистон шаҳрида хусусий тадбиркор Ихтиёр Дауланов саъй-ҳаракати билан “Текстиль Авангард” корхонаси ишга туширилди.*

### Нотўқима мато

Маҳаллийлаштириш дастури асосида ташкил этилган мазкур кичик бизнес субъекти йилига 500 минг погон метр ҳажмда нотўқима мато ишлаб чиқариш қувватига эга.

— Маҳсулотларимиз сифати юқорилиги боис тезда харидорлар эътиборига тушди, — дейди корхона раҳбари Ихтиёр Дауланов. — Бунда цехларимизга илғор технологик ускуналарни ўрнатганимиз қўл келди. Ҳозир бу ерда 25 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

■ *Фарғона шаҳрида “Адолатхон орзуси нишонаси” фермер хўжалиги томонидан замонавий музлаткич-омборхона бунёд этилди. Натижада бу ерда бир йўла 400 тонна куз неъматларини сақлаш имконияти юзага келди.*

### Куз неъматлари сифатли сақланади

Айтиш жоизки, Азимжон Мирзаолимов раҳбарлик қилаётган мазкур фермер хўжалиги жорий мавсумда 70 гектар майдонда картошка, сабзи, карам ва пиёз етиштирди. Шуни ҳисобга олиб, ер эгаси шаҳардаги 40 дан зиёд ижтимоий соҳа объектлари билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан ўзаро шартнома имзолаган. Замонавий омборхона эса фермер хўжалиги жамоасига зиммаларидаги мажбуриятни қишнинг аёзли кунларида ҳам уддалаш имконини беради.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ишонч ёрлиқлари топширилди

*Ўзбекистон Республикасининг Португалиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси (қароргоҳи Парижда) Равшан Усмонов мазкур мамлакат Президенти Каваку Силвага ишонч ёрлиқларини топширди.*

Маросим доирасида бўлиб ўтган мулоқот чоғида К. Силва ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги Ўзбекистон — Португалия муносабатларининг замонавий ҳолати ҳамда уларни янада ривожлантиришнинг истиқболларига ижобий баҳо берар экан, ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, турли йўналишларда биргаликдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш учун салоҳиятнинг мавжуд эканлигини қайд этди.

Португалия Президенти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ҳамда Ўзбекистоннинг барча халқига чин дилдан фаровонлик ва муваффақиятлар изҳор этди.

**«Жаҳон» АА.**

# ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**Президентимиз Ислом Каримовнинг МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида сўзлаган нутқи катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида мустақил, изчил ва ташаббускор ташқи сиёсат юритиб келаётган суверен давлатдир. Ўзбекистон олтмишдан ортиқ нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, шу жумладан, МДҲ аъзосидир. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини 144 мамлакат тан олган, 131 давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилган. Дунёнинг 46 давлатида мамлакатимизнинг дипломатик ваколатхоналари (элчихоналар, консулликлар), Тошкентда эса олтмишдан ортиқ элчихона ҳамда халқаро ташкилотлар ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Айни пайтда бутун дунёда ушбу барқарор тараққиёт, тинчликпарвар халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати, мамлакатимиздаги сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизликка рахна солиши мумкин бўлган хавф ҳамда таҳдидлар кучаймоқда. Жаҳоннинг турли минтақалари, шу жумладан, Ўзбекистон атрофида зиддиятлар кучаймоқда, қуролли тўқнашув ва низолар кескин тус олмоқда. Президентимиз Ислом Каримов МДҲ Давлат раҳбарларининг Минскда бўлиб ўтган саммитидаги нутқида “бугун дунёда юз бераётган мураккаб жараёнлар, кучларни глобал ва минтақавий жойлаштириш борасидаги мураккаб ўзгаришлар, жаҳон иқтисодиётида инқироздан кейин кечаётган оғир давр, Ҳамдўстликка яқин ва узоқ давлатлардаги вазият ва зиддиятларнинг кескин тус олаётгани”ни алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида уч долзарб масалани кўтарди. Биринчиси — МДҲнинг бу борадаги роли ва ўрнини белгилаш, истиқболи ва келажагини қандай тасаввур этишимиздан иборат. Зеро, МДҲ — Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий ва сиёсий манфаатлари маконидир. Бу эса кўпгина омиллар билан боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганидек, Ҳамдўстлик унга аъзо ҳар бир давлат учун муҳим ўрин тутмоқда. Ҳамдўстлик унга аъзо давлатларнинг изчил ривожланиши, барқарорлиги ва хавфсизлигига рахна солиши мумкин бўлган таҳдид ва хатарларга ўз вақтида, муносиб жавоб қайтариш, баҳс ва низоларни ҳал этишга қаратилган, пировард натижада собиқ иттифоқ ҳудудида фуқароларнинг ўзаро мулоқот қилиши учун мақбул ёндашув ва мувофиқлаштирилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда.

“Бугунги кунда тобора авж олаётган радикализм, терроризм ва жангари экстремизм мафкураси нафақат бир мамлакат ёки муайян минтақа доирасида кенг тарқалаётгани, балки ушбу жараён миллий чегара билмаслиги ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ, — деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. — Айнан шу сабабли, МДҲга аъзо давлатлар ҳудудида ҳар қандай кўриниш ва шаклдаги терроризм ва экстремизмга йўл қўймаслик муҳитини шакллантириш, ушбу хавфли таҳдидларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига кўмаклашадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарур”.

Турли кўринишдаги экстремизм дунёнинг кўплаб минтақаларида барқарорликка жиддий хавф солмоқда. Диний экстремизмни тарғиб қилиш бундай ташкилотлар сафига террорчиларни жалб қилиш учун мафкуравий восита вазифасини ўтамоқда. Шу боис экстремистик ташкилотлар фаолияти, биринчи навбатда, ўсиб келаётган ёш авлодга қаратилгани ҳам бежиз эмас.

(Давоми 2-бетда).

## Халқаро тажриба ва ўзаро алоқалар

*Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари кўламининг йил сайин кенгайиб бораётгани қурилиш материалларига бўлган талабни янада ошираяпти. Уни тўлиқ, энг асосийси, ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобидан таъминлаш мақсадида ҳаётга татбиқ қилинаётган лойиҳалар эса ўз самарасини бермоқда.*

**СЕМИНАР**

Бунда, аввало, саноат корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, янги қувватларни ишга тушириш муҳим омил бўлаётир. 2013 йилнинг тўққиз ойи мобайнида қурилиш материаллари саноатида 470 дан ортиқ ишлаб чиқариш субъектлари фойдаланишга топширилгани бунинг яққол далилидир.

Кеча пойтахтимизда иш бошлаган халқаро семинарда бу соҳада қўлга киритилаётган ана шу ютуқлар алоҳида эътироф этилди. Хризотилцементнинг қурилиш материаллари саноатидаги аҳамияти, уни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бу борада хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган мазкур тадбирда Ўзбекистон ва Ҳамдўстлик давлатларининг қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган йирик компания ва ташкилотлари, илмий марказлари, меҳнат муҳофазаси бўйича муассасалари, шунингдек, тиббиёт институтлари масъул ходимлари иштирок этмоқда.

(Давоми 3-бетда).

8 ДЕКАБРЬ —

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ




*“Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.*

*Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади”.*

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддаси).

## Илмий ва техникавий ижод майдони

Ўзбекистон жаҳонга буюк алломаларни етказиб берган, табиий ва ижтимоий фанлар соҳасида яратилган илмий мактаблари дунёда тан олинган, яъни юксак илмий салоҳиятга эга мамлакатдир. Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб фан-техника соҳасидаги илмий изланишларни ривожлантиришга эътибор кучайтирилгани, айтиш мумкинки, илм аҳлини ижтимоий-иқтисодий соҳалар тараққиётига хизмат қиладиган ихтиролар қилишга руҳлантириб юборди. Айниқса, Конституциямизда ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатлаб қўйилгани, Президентимизнинг илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир қарорининг қабул қилиниши ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди.

Ҳозирги кунда юртимизда янги билимларни шакллантиришга йўналтирилган узоқ муддатли (5 йилгача) фундаментал тадқиқотлар, ўрта муддатли (3 йил) амалий тадқиқотлар ҳамда қисқа муддатли (2 йилгача) инновацион ишланмалар Давлат илмий-техника дастурлари танловлари асосида шакллантирилмоқда. Илмий изланишларнинг ўзаро мужассамлик даражасини таъминлайдиган механизм ишлаб чиқилгани ҳам диққатга сазовордир. Чунки фундаментал тадқиқотлар доирасида яратилган ғоялар амалий тадқиқотлар чоғида тажриба нусхаси яратишгача етказилса, улар инновация ишлари орқали иқтисодиёт тармоқларига жорий қилинади.

(Давоми 2-бетда).

*Шу йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013—2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди. Ўтган қисқа вақт ичида ушбу ҳужжат асосида воҳада биргина енгил саноат тизимида 19 та лойиҳа амалга оширилиб, 600 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Эътиборлиси, соҳага йўналтирилган 3 миллион 314 минг АҚШ долларилик инвестицияларнинг асосий қисмини корхоналар маблағлари ва чет эл сармоялари ташкил этди.*



# ДАСТУР ИЖРОСИ — АМАЛДА



**ИСЛОҲОТ**

Хусусан, Қарши шаҳрида жойлашган “Қашқадарё енгил саноат” уюшмаси таркибидаги “Тикувчи санамлар” масъулияти чекланган жамиятида таъсисчилар маблағи ҳамда “Асака” банкининг кредити ҳисобидан 450 миллион сўмлик жиҳозлаш ишлари рўёбга чиқарилиб, юздан ортиқ иш ўринлари очилди. Бундан ташқари, Хитой ва Ҳиндистон давлатларидан умумий қиймати 108,6 минг долларлик “Yamata” ва “Tupica” русумли 58 та замонавий тикиш машинаси, “Fusing Machine” ва “Aksa” русумли пресслаш дастгоҳлари, Германиядан эса “Brother” тикиш ускунаси келтирилиб ўрнатилди. Айни пайтда бу ерда ишчилар учун махсус иш кийимлари, эркаклар ва ўсмир ёшлар учун кўйлаклар, мактаб ҳамда мактабгача ёшдаги болалар кийимлари, шунингдек, кўрпа-тўшаклар жамланмаси, тиббий халатлар каби ўндан зиёд турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ

*Кексаларни эъзозлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, ҳолидан хабар олиш халқимизга хосдир. Бу хислат, айниқса, истиқлол йилларида янгича мазмун-моҳият касб этди. “Нуроний” жамғармаси фаолияти ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилаётганлиги билан янада аҳамиятлидир.*

# Эъзоз, эҳтиром, ибрат

Хусусан, жамғармамиз томонидан вилоятдаги барча ота-оналар, нуроний ва фахрийларга қарата “Фарзандлар келажаги учун масъулмиз”, “Куч-ғайратимиз — Ватан равнақига” мавзуларида мурожаатномалар қабул қилинди. Чунки кекса авлод учун фарзанд тарбиясидек юксак бахт ва улуғ неъмат йўқ. Шу туфайли бу мурожаатлар вилоятнинг барча меҳнат жамоаларида, маҳаллаларида, устоз-мураббийлар, ота-оналар ўртасида кенг муҳокама қилинди. Қолаверса, ёшлар жамоалари ўртасида ташкил этилаётган учрашувлар, давра суҳбатларида ҳам нуронийларимиз соғлом турмуш тарғиботига алоҳида эътибор беришаётир.

Жорий йилда риштонлик фахрийлар туман марказидаги газ муаммосини ҳал этиш масаласига бош-қош бўлгани эътиборга молик. Бевосита уларнинг ташаббуси билан аҳоли ва ҳомийлар маблағи ҳисобидан 12,5 километр масофадан янги газ қувури тортиб келинди. Натижада тумандаги ўн бир минг хонадонда газ таъминоти яхшиланди.

Жамғармамизнинг Марғилон шаҳар бўлими ташаббуси билан “Баҳрин” маҳалла фуқаролар йиғинида фойдаланилмаётган иккита бино қайта таъмирланиб, ижтимоий, маиший тадбирлар ўтказиладиган масканга айлантирилди. Шундай бинолардан бирида маҳалланинг турли маросимлари, тўйлари ўтказилаётган бўлса, иккинчи бино ҳунармандлар ихтиёрига берилди. Айни пайтда бу ерда “Устоз — шогирд” анъаналари асосида ўндан зиёд ёшлар дурадгорлик сирларини ўрганишмоқда.

Фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бири, шубҳасиз, нуронийлар, уруш қатнашчилари ва ногиронлари, мустақил юртимизнинг сарҳадларини ҳимоя қилишда ҳалок бўлганлар оилаларини қўллаб-қувватлашга қаратилмоқда. Айниқса, бунда вилоятдаги меҳнат жамоалари томонидан ташкил этилган “Ғамхўрлик гуруҳлари” хизмати таҳсинга сазовор. Шунингдек, уларни вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказиш, зарур ҳолларда соғломлаштириш муассасаларига йўлланма бериш масаласи ҳам доимий эътиборда.

“Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий ишларга ҳам кўпроқ эътибор бераяпмиз. Вилоятнинг Марғилон, Қўқон шаҳарлари, Данғара, Фурқат, Олтиариқ туманларида ўтказилган “Уч авлод учрашувлари”ни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Бундай тадбирларда фахрийларимиз ёшларга мустақиллик туфайли юртимизда юз бераётган улкан ўзгаришлар, тинчлик, осойишталикнинг қадрига етиш, истиқлол туфайли эришилган улкан ютуқларнинг мазмун-моҳиятини ўз ҳаётлари мисолида сўзлаб беришади. Шубҳасиз, бундай тадбирлар ёшлар онгига миллий ғурур, инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғуларини ҳамда авлодлар ўртасида анъаналар давомийлигини сингдиришга хизмат қилаяпти.

Шунингдек, Дастур доирасида белгиланган тадбирларда ёрдамга муҳтож ногирон ва кам таъминланган фахрийларга эшитиш мосламалари, ногиронлар аравачалари ва бошқа зарур ашёлар тарқатилди. Бундан ташқари, 1888 нафар эҳтиёжманд уруш ва меҳнат фахрийсига 41,5 миллион сўм миқдорида ёрдам кўрсатилган бўлса, ҳомийлар кўмагида 41 нафар фахрийнинг уй-жойи таъмирланди.

Фахрийлар — фахримиз. Шундай экан, уларни эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш ҳар биримизнинг эзгу аъмолимизга айланмоғи шарт. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, мўътабар кексаларимиз дуосини олиш, тинч, осойишта замоннинг қадрига етиш ва шукроналик туйғуларини ҳис этиш бизга катта қувват бағишлайди, руҳимизни поклайди, янгидан-янги марралар сари чорлайди.

**Топволди ХОЛДОРОВ,**
**«Нуроний» жамғармаси**
**Фарғона вилояти бўлими раиси.**

## Маҳалланинг муҳташам гузари

*Когон туманининг “Шўробод” маҳалласида “Чинор чорва” кўп тармоқли масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари саъй-ҳаракати билан замонавий гузар барпо этилди.*

ҚУЛАЙЛИК

Бунинг учун ишбилармонлар ўз сармояси ҳамда банк томонидан ажратилган 550 миллион сўм миқдоридаги кредитдан оқилона фойдаландилар.

Қўшқаватли муҳташам бинода фуқаролар йиғини, милиция ҳамда Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази таянч пунктлари ходимларининг самарали фаолият юритишлари учун зарур қулайликлар яратилган. Шунингдек, бу ерда жамиятнинг тикувчилик цехи ҳам иш бошлади. Ҳозир 25 нафар чевар томонидан корхонада коржома ва турли кийим-кечаклар тайёрланмоқда. Яқин истиқболда цех ишчилари сонини юз нафарга етказиш мўлжалланаяпти.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

*Еврокомиссия ягона валюта бирлигига кирувчи давлатларда жорий йил якуни бўйича кутилаётган ялпи ички маҳсулот ҳажми ҳамда бандликнинг аҳволига оид прогнозларини салбий томонга ўзгартирди.*

## Таҳлилчилар хулосаси

Таҳлилчиларнинг фикрича, иқтисодиётда ўсиш кузатилмайди ва ЯИМ 0,4 фоизга пасаяди. Ишсизлик даражаси эса 12 фоиздан юқорилигича қолади. Фақат 2014 йилдагина вазият бир оз яхши томонга ўзгариши мумкин. Жумладан, ЯИМ ҳажми 1,4 фоизга ошиши тахмин қилинаяпти. Меҳнат бозорида ҳам ижобий натижалар рўй бериши кутилмоқда.

## Марсга йўл олди

*Ҳиндистон Шрихарикота оролидан Марсга ўз ракетасини учирди.*



У “Қизил сайёра”да тадқиқотлар олиб боради. Манбага кўра, космик аппарат дастлабки босқичда Ер орбитаси яқинида ҳаракатланади. 1 декабрдан бошлаб эса Марс томон учишни бошлайди ва бир йилдан кейин манзилга етиб боради. Бу вақт ичида у 780 миллион километр масофани босиб ўтади.

Ракета Марсдаги атмосферани кузатиш учун махсус қурилма ҳамда тасвирга олишга мўлжалланган видеокамера билан жиҳозланган.

Бунгача ушбу сайёрани ўрганиш учун АҚШ ва Европа Иттифоқи ўзининг космик аппаратларини учирган эди.

## Самодаги тўқнашув

*АҚШнинг Висконсин штати осмонида иккита унчалик катта бўлмаган самолёт тўқнашиб кетди.*

Воқеа тахминан уч минг метр баландликда юз берган. Ўша вақтда самолётларда парашютчилар бўлган ва улар дарҳол сакрашни амалга ошириб, омон қолишган. Фалокат оқибатида лайнерлардан бирида ёнғин келиб чиққан. Унинг учувчиси катапультадан фойдаланиб, жонини сақлаган. Иккинчи самолёт эса ерга фавқулодда қўндирилган.

Мамлакат фуқаро авиацияси бошқармаси ушбу ҳодиса юзасидан текширув ўтказмоқда.

## Тарихий васиятнома сотилади

*Наполеон Бонапарт васиятининг нусхаси Парижда ташкил этиладиган “Кимошди” савдосига қўйилади, дея хабар тарқатди “Associated Press” ахборот агентлиги.*



Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу васиятнома ҳозирга қадар сақланиб қолган ягона ноёб нусха ҳисобланади. Наполеон уни 51 ёшида, ўлимидан ўн тўққиз кун олдин ёзиб қолдирган.

Сал аввалроқ Бонапартга тегишли ниқоб Лондон аукционида 170 минг еврога сотилган эди.

## Тураржой биносида ёнғин

*Хитойнинг Хэнань музофоти маъмурий маркази — Чжэнчжоу шаҳридаги кўп қаватли уйлардан бирида ёнғин содир бўлди.*

Оқибатда саккиз киши ҳаётдан кўз юмган, яна ўн нафар одам тан жароҳати олган. Хабар қилинишича, ёнғин дастлаб беш қаватли бинонинг биринчи қаватида пайдо бўлган. У нимадан чиққани ҳақида эса маълумотлар йўқ.

## Вулқон яна фаоллашди

*Индонезиянинг Суматра оролида Синабунг вулқони яна фаоллашгани туфайли мазкур ҳудудда яшовчи 1300 нафардан ортиқ одам бошқа жойга кўчирилди.*



Жорий йилнинг сентябрь ойида ҳам шундай жараён кузатилган ва ўшанда ўн беш минг киши уйини вақтинча ташлаб кетишга мажбур бўлганди.

Айтиш жоизки, Синабунг бунгача тўрт юз йиллик “уйқу”дан сўнг 2010 йилнинг август ойида қайта “уйғонганди”.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# Халқаро тажриба ва ўзаро алоқалар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, бу нуфузли тадбир манзили сифатида Тошкент шаҳри танланиши бежиз эмас, албатта. Чунки Ўзбекистонда иқтисодиётнинг мазкур тармоғи жадал ривожланмоқда, айниқса, хризотилцементли қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича кўп йиллик тажриба тўпланган.

Дарҳақиқат, юртимизда айни шу соҳага ихтисослаштирилган “Бекободцемент”, “Қизилқумцемент”, “Қувасойцемент”, “Оҳангароншифер” очиқ акциядорлик жамиятлари, шунингдек, кўплаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатаяпти. Улар томонидан импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Республикамизда олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида, асосан, шу маҳсулотлардан фойдаланилаётгани объектларни сифатли ва тез битказиш, энг асосийси, таннархининг ошиб кетмаслигини таъминлаш имконини бермоқда.

Мутахассисларнинг қайд этишича, хризотилцемент — қурилиш саноатида энг муҳим хом ашё. Ундан томёпкич материаллари, қувурлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Улар муқобилларига нисбатан мустаҳкамлиги, ўтга ва бошқа ташқи таъсирларга чидамлилиги, нархининг 2-5 мартагача арзонлиги билан ажралиб туради.

— Бизнинг корхонамиз шифер ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бўлиб, бу жараёнда хризотил асбестидан фойдаланамиз, — дейди Тошкент шаҳридаги “Super House Roof” Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси директори Алишер Алиев. — Шунинг учун ҳам тайёрлаётган маҳсулотимизнинг сифати юқори. Натижада унга бўлган талаб кун сайин ошиб бораяпти. Шу боис бир кеча-кундузда 5-6 мингта шифер ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказиб берилмоқда.

Семинар иштирокчилари икки кун давомида Ўзбекистонда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда хризотилцементдан фойдаланиш имкониятлари, саноат корхоналарини модернизациялаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш, шунингдек, ишчи-хизматчиларнинг меҳнат муҳофазасини кучайтириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишиш баробарида, уларнинг самарасига “Оҳангароншифер” очиқ акциядорлик жамияти фаолияти мисолида ишонч ҳосил қиладилар.

Шу билан бирга, улар соҳадаги сўнгги илмий янгиликлар, хориж тажрибасига доир маърузаларни тинглаб, тажриба алмашиш, ўзларини қизиқтирган масалаларга ойдинлик киритиш имкониятига ҳам эга бўладилар. Буларнинг бари пировардида қурилиш материаллари саноатини янада тараққий эттиришга хизмат қилиши муқаррардир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●

*Ҳурматли тадбиркорлар!*

ASAKA BANK

«Асака» банки (ОАЖ)

«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) ҳамда «Commerzbank AG» (Германия) кредит линиялари иштирокида тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилинаётганлигини маълум қилади.

**Кредитларни расмийлаштиришнинг асосий шартлари:**

| | |
|---|---|
| **Лойиҳалар** | Саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳасида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, амалдаги ишлаб чиқаришларни кенгайтириш ва/ёки реконструкция қилиш бўйича лойиҳа. |
| **Қарз олувчи** | ***«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича***<br>«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида Корея Республикаси капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялар;<br>«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида Корея Республикаси капитали иштирокида фаолият юритаётган компанияларга товарлар етказиб бериш ҳамда хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган ёки Корея Республикаси капитали иштирокида фаолият юритаётган компаниялардан товарлар олаётган ва хизматларидан фойдаланаётган Корея Республикаси капитали иштирок этмаган компаниялар.<br>***«Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича***<br>Ўзбекистон резиденти — хусусий кичик корхона, қўшма корхоналар, акциядорлик жамиятлари. |
| **Кредитлардан мақсадли фойдаланиш** | ***«Export Import Bank of Korea»(Корея Республикаси) кредит линияси бўйича***<br>Корея Республикаси капитали иштирокидаги компаниялар учун:<br>— ускуналар харид қилиш ва ўрнатиш;<br>— стратегик инвестициялар.<br>***Корея Республикаси капитали иштирок этмаган компаниялар учун***<br>— ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш;<br>— ускуналар харид қилиш ва хизматлардан фойдаланиш.<br>**«Commerzbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича**<br>Импорт ускуналари ва технологиялари харидини молиялаштириш, шунингдек, ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш. |

**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 120-39-04, 120-39-56, 120-39-58.**

***«Асака» банки — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!***

1842А/15

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

«Ўзсаноатқурилишбанк»» ОАТБ
томонидан стратегик инвесторларга таклиф

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4053-сонли Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Р-4010-сонли Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ балансидаги қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш учун ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:

**«Samarqand Aqua Line» МЧЖ** — табиий тоза газланган ва газланмаган сув, табиий шарбат ҳамда консерва маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
***Корхона манзили:*** Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 3-«А» уй.

**«Fergana Ceramics Industry» МЧЖ** — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
***Корхона манзили:*** Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.

**«Xorazm shisha idishlari» МЧЖ** — шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
***Корхона манзили:*** Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоият қишлоғи.

**«Elite Stars Textile» МЧЖ** — пахта толасидан калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
***Корхона манзили:*** Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй.

Маълумот олиш учун «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментининг Ночор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 120-36-04, (+998 90) 969-90-98.**
**Факс: (8-371) 120-45-64, 120-36-29.**
**E-mail: uzpsbinvest@gmail.com**
**psbinvest@gmail.com**

1330R/723

САНОАТ КОРХОНАСИ



*4 — 6-разрядли* электромонтажчиларни,
*4 — 6-разрядли* ускуналар монтажчи-созловчисини

доимий ишга таклиф қилади.

Иш ҳақи — 2 млн. сўм.

Ишчилар бепул овқат ва транспорт билан таъминланади.
Иш ҳақи тўловлари ўз вақтида амалга оширилади.

**Мурожаат учун телефонлар: (+99893) 172-44-07, (+99890) 982-56-40, (+99890) 352-36-05, (+99890) 167-17-58.**

1751А/996

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02

# Изланишлар самараси

*Бугун мамлакатимизда интеллектуал бойликни бунёд этувчилар — ихтирочилар, ижодкорлар, тадқиқотчиларга юксак эътибор қаратилиб, уларнинг эркин фаолият юритишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган.*

ФАХР

Маълумотларга қараганда, республикамизнинг давлат илмий-техника дастурларида белгиланган вазифаларни бажариш борасида икки юздан зиёд илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашма ва марказлари, лойиҳа институтлари иш олиб бормоқда. Мазкур масканларда илмий изланаётган ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошида ташкил этилган “Ёш олимлар кенгаши” эса интеллектуал салоҳиятли, истеъдодли ёшларни бирлаштириш, юртимиз ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари, фан ва технология янгиликлари билан мунтазам таништириб бориш, уларни қўллаб-қувватлаш йўлида хизмат қилмоқда.

Хабарингиз бор, бир неча йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар” республика ярмаркасида ҳам ёш олимлар фаол қатнашмоқда. Бу борада “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйганимиз айни муддао бўлаяпти. Шунингдек, ҳар йили кўплаб ёш олимларимиз Хитой, Россия, Озарбайжон, Буюк Британия, Ҳиндистон, АҚШ, Германия сингари давлатларда бўлиб ўтган илмий анжуманларда ўз маърузалари билан иштирок этмоқда. Масалан, ЎзРФА Зилзилашунослик институти Геодинамика лабораторияси катта илмий ходими Илҳом Алимуҳамедов Германия, Бангкок, Таиланд давлатларида ташкил этилган халқаро анжуманларда қатнашган. Айни пайтда у Кембриж университети ҳамда ЎзФА ҳамкорлигида ташкил этилган “Юқори технологиялар ўқув-экспериментал маркази”-га раҳбарлик қилмоқда.

Шу кунларда “Ёш олимлар конференцияси — 2013” республика илмий-амалий анжуманига қизғин ҳозирлик кўраяпмиз. Мазкур конференция нафақат академия тасарруфидаги институтлар доирасида, балки унинг вилоятлардаги бўлимлари, турли вазирлик ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган ёш олим ва мутахассислар иштирокида ўтказилиши ҳам кўзда тутилган. Умуман олганда, эришилаётган ютуқлар ҳамда олимларимизнинг изланишларини рўёбга чиқариш мақсадида ташкил этилаётган нуфузли тадбирлар замирида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижодини рағбатлантиришга қаратилган алоҳида эътибор мужассамдир.

**Дилбар ДАЛИМОВА,**
**ЎзР ФА «Ёш олимлар кенгаши» раиси.**



# Болажонларнинг севимли маскани

*Пойтахтимиздаги “Баркамол авлод” болалар марказини мамлакатимиздаги барча ўқувчи ўғил-қизлар яхши билишади. Унинг биноси 2005 йилда Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган бўлиб, бетакрор меъморий ечими билан кишини ҳайратга солади.*

ЭЪТИБОР

Миллий либослар галереяси, Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи, Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуаси, тобора гўзаллашиб бораётган Эски шаҳарнинг умумий манзараси бу ердан кафтдагидек кўринади.

Марказ биносининг биринчи ва иккинчи қаватлари тўгараклар учун ажратилган. Учинчи қавати эса ўқувчилар томонидан яратилган ижодий ишлар кўргазмаси учун мўлжалланган заллардан иборат. Бу ерда техник ижодкорлик, бадиий ижод, ўлкашунослик ва экология йўналишларида тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда ҳозир саккиз юздан зиёд ўғил-қизлар қатнашмоқда.

Хусусан, болажонлар компьютерда дастурлаш ва сервис хизмати кўрсатиш, фотокино, ихтирочилик сирларини ўрганишаяпти. Айни чоғда фольклор, дизайн, гиламдўзлик, мусаввирликка қизиқувчи ёшлар ҳам талайгина. Ўлкашунослик ва экология тўгарагида эса республикамизнинг диққатга сазовор жойлари, табиати, ўзига хос жиҳатлари ҳақида батафсил маълумот бериш баробарида, ёш гидлар ҳам тайёрланади.

Ҳозирги кунда марказга 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар жалб этилаётир. Ҳар бир гуруҳга 15 — 20 нафардан ўқувчи қабул қилинади. Бунинг учун аввал кичик синов ўтказилиб, шу асосда боланинг қизиқиши, лаёқати даражаси аниқланади.

Тўгаракларда дарслар ҳафтада икки маротаба, уч соатдан махсус дастур ва режа асосида олиб борилади. Йил давомида ҳар бир бола ўзи танлаган йўналиш бўйича дастлабки билим ва кўникмани шакллантириб олади. Марказни тамомлаган ўқувчиларга эса сертификатлар топширилади.

Бундан ташқари, марказ “Осиё рамзи” модельерлар ассоциацияси билан мунтазам ҳамкорлик қилиб келади. Бу ёш иқтидор эгаларининг республика ва халқаро миқёсдаги танловларда қатнашишида катта аҳамият касб этаётир.

— “Баркамол авлод” болалар марказида фарзандларимизнинг бўш вақтини унумли ўтказиш, қизиққан соҳаси бўйича дастлабки билимларини шакллантириш учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди рассомчилик тўгарагида иштирок этаётган 8 ёшли Муродилланинг онаси Матлуба Ҳотамова. — Ўғлимнинг расм чизишга иштиёқи баланд. Шунинг учун уни “Ёш мусаввир” тўгарагига бердим. Ундаги иштиёқни кўриб, беихтиёр ўз болалигим ўтган даврни эсга оламан. Илгари бундай имкониятлар қаёқда эди, дейсиз? Бугун эса ҳар бир болага алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, зарур имкониятлар яратиб берилаяпти. Бундан биз, ота-оналар чексиз фахрланамиз.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Марказда Содиқ Файзиев, Камола Аҳмедова, Зилола Убайдуллаева, Фаррух Абдураҳимов каби ўз соҳасининг етук мутахассислари сабоқ беришади. Уларнинг шогирдлари эса “Янги авлод”, “Болажонлар — ширинтойлар” каби турли танловларда мунтазам равишда ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олиб келишмоқда.

Мухтасар айтганда, юртимизда ёш истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ўз самарасини бермоқда.

**Зулфия РАСУЛОВА,**
**Шайхонтоҳур тумани**
**«Баркамол авлод»**
**болалар маркази**
**директори.**

# Хосиятли ва қувватбахш



*Анор — серхосият мевалардан бири. Машҳур табиб Муҳаммад Ҳусайн ибн Муҳаммад ал-Оқилийнинг “Маъзан ул-адвия” асарида келтирилишича, унинг озуқавий қуввати кўп бўлмаса-да, қон томирдаги тиқилмаларни очиб, пешоб ҳайдайди. Мижози иссиқ киши таомдан кейин анор истеъмол қилса, овқатнинг енгил сингишига ёрдам бериб, меъдадан ичак томон йўналишини тезлаштиради. Бу ҳолат, айниқса, ошқозон-ичак хасталиклари, қабзият(ич қотиш)га чалинган кишиларга яхши наф келтиради.*

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Анор шарбати эса шифобахшлиги жиҳатидан узум шарбатидан устун туради. Унинг таркибидаги антиоксидант моддалар аъзои танани ёшартириб, саратон (рак) хасталигидан сақлайди.

Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарида қайд этилишича, анорнинг ҳамма турларида, ҳатто нордонида ҳам буриштириш билан бирга, аъзоларни тозалаш хусусияти бор. Шунингдек, хафақонликда яхши самара беради. Анор уруғи ёмғир суви билан қўшиб ичилганда, қон тупуришдан фориғ этса, янчилган толқони ҳомиладор аёлларда кузатиладиган бошқоронғилик (токсикоз) аломатларини йўқотади.

Камқонликдан халос бўлишда ҳам анорга тенг келадиган неъмат йўқ. Бунинг учун икки ой мобайнида кунига таомдан ярим соат олдин ярим пиёладан 3 маҳал анор шарбати ичилса, кифоя.

Анор организмда инсулин ишлаб чиқарилишини ҳам таъминлайди. Шу боис у диабетга чалинган кишилар учун жуда фойдали. Анор пўстидан тайёрланган дамлама эса нафас йўллари хасталиклари, хусусан, ангина, стоматит, гингивит(оғиз бўшлиғи хасталиклари)да қўлланилади.

Америкалик ва италиялик олимлар анор мевасининг ирсиятга таъсирини ҳам ўрганиб чиққанлар. Аниқланишича, ҳомиладор аёллар анор тановул қилса, туғилажак болада учраши мумкин бўлган юрак хасталиклари, бош мия нуқсонларининг олди олинар экан.

Шуниси диққатга сазоворки, анор доналари орасидаги пардани қуритиб, гиёҳли чойга қўшиб ичиш асабларни тинчлантиришдан ташқари, хавотирланиш, жизғанаклик, уйқусизликда ёрдам беради. Анор жигар хасталикларида, сариқ касаллигида, юракнинг тез-тез уришида, кўкрак соҳасидаги оғриқда ҳам шифо бўлади.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос.**

## МАДАНИЯТ хабарлари

*Алишер Навоий номидаги киносаройида “Ўзбеккино” Миллий агентлиги буюртмаси асосида суратга олинган “Пойга” бадиий фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.*

### «Пойга» тақдимоти

Ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда яратилган мазкур фильмда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими, капитан Бахтиёр Холматов ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Фильмда меҳр-оқибат, ҳалоллик сингари чин инсоний туйғулар оилавий муносабатлар талқинида намоён бўлади. Бош ролларни эса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Матёқуб Матчонов, Шоҳида Исмоилова, ёш актёрлар Асал Шодиева ва Йигитали Мамажонов ижро этган.

**Гўзал РАҲМОНОВА.**

### Каллиграфия санъати намойиши

*Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида япониялик Мичико Хамазакининг каллиграфия асарлари намойиш қилинди.*

Каллиграфия Кунчиқар мамлакатнинг ўзига хос хаттотлик санъати турларига мансуб бўлиб, у Япония маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Каллиграфия намойишида мутахассис “Дайжикиго” услубидан фойдаланган. Бу услубнинг ўзига хос жиҳати шундаки, катта ҳажмдаги қоғозга туширилган қадимий ёзувларда инсонга хос руҳий кенглик, юксаклик ва қудрат акс эттирилади. Мазкур кўргазма ўзбек-япон маданияти ва санъати намояндаларининг ўзаро ҳамкорлиги намойишидир.

**Суннат АСТАНОВ.**





• Реклама ва эълонлар •








Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1154. 75 516 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.05 1 2 3 4 5